

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил октябрь ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди, Андижон вилоят судининг биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг раиси Ш.Мирзакаримов, судья ёрдамчиси Ж.Ғуломовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пахтаобод туман прокурори ёрдамчиси О.Иброҳимов, жабрланувчи К.Мамадалиев, судланувчи А.Исмоилов ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “НУҚУҚ МУХОФАЗАСИ” адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Саидовнинг иштирокида, Исмоилов Акрамжон Абдуллаевичга нисбатан 1-1712-2101/128-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Исмоилов Акрамжон Абдуллаевич (Ismoilov Akramjon Abdullayevich), 1981 йил 5 ноябрда Пахтаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Пахтаобод тумани Қорашоҳ МФЙ Семурғ кўчаси 72-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2021 йил 2 августдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 23 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **АНИҚЛАДИ:**

Судланувчи А.Исмоилов 2021 йил 10 июль куни соат 18.30ларда Пахтаобод тумани Қашқар МФЙ худудида жойлашган “Супургибеков Юсуфжон” фермер хўжалигига қаршли дала майдонига ўзининг экинларини суғориш мақсадида бориб, фуқаро К.Мамадалиев билан экинларни суғориш борасида ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида К.Мамадалиевни совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашё, хўжалик кетмони билан бир марта бош қисмига қасддан уриб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 01.08.2021 йилдаги №661-сонли хулосасига кўра, К.Мамадалиевга “бош мия очиқ шикасти, бош мия лат ейиши, бош гумбаз суякларини чизиқсимон синиши, бош мия қаттиқ парда остига қон қуйилиши, бош тепа соҳасида йиртилган-тикилган яра каби ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.



Судланувчи А.Исмоилов суд мажлисида айбига тўла иқдор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, у Пахтаобод тумани Қашқар МФЙ худудида жойлашган “Супургибеков Юсуфжон” фермер хўжалиги дала майдонини 10 сотихига макка жўхори экини экканини, 2021 йил 10 июль куни соат 17.30ларда макка жўхори экинини суғориш мақсадида далага боргани ва далани ичига кирганида ариқда сув оқаётганини кўриб, сувдан экинига сув очмоқчи бўлганида, маҳалладошим К.Мамадалиев макка жўхорисига сув очаётганини айтиб, унга сув очмаслигини билдирганида, у К.Мамадалиевга ариқдан сув кўпайтириб келиб, экинига сув очишини айтганида рози бўлганини, сўнгра у катта ариққа бориб далага келаётган сувни кўпайтириб, бир соатча далага кетаётган сувни кўпайишини кутиб ўтирганини, сув кўпайтганидан кейин ерига бориб, ўша ерда ўтирган К.Мамадалиевни қайнакаси А.Мирзарахимовга айтиб, сув кўпайганидан сўнг А.Мирзарахимов ва К.Мамадалиевни экин майдонига кираётган сувдан озроқдан очиб, ўзини экин майдонига қўйганлигини, шу пайт К.Мамадалиев дала майдонини ичидан “мени сувимга ким тегди” деб келганини, аслида ўшанда К.Мамадалиев экин майдонини суғориб бўлиб, қайнакаси А.Мирзарахимовни даласига келаётган сувни очганлигини, шунда у К.Мамадалиевга сувни кўпайтириб келиб экинларига очганини айтганида, К.Мамадалиев уни уятли сўзлар билан сўкиб уриб юборганида, у лойда сирпаниб йиқилиб тушганини, шу тариқа К.Мамадалиев билан жанжаллашиб кетишганини, К.Мамадалиев билан уришаётганида уларни А.Мирзарахимов ва Т.Дехқоновлар ажратмоқчи бўлиб ушлашганида, К.Мамадалиев уни уриб юборгани, сўнгра уларни ажратиб қўйганларидан кейин ёнига қараса ўша ерда кетмон турганлигини кўрганини, шунда у кетмонни олиб ундан 3-4 метр узоқда кетаётган К.Мамадалиевни бошига кетмон билан уриб юборгани, К.Мамадалиевни кетмон билан урганини ўзи ҳам билмай қолгани, К.Мамадалиевни урган вақтида А.Мирзарахимов уни урмоқчи бўлиб яқинлашаётганида, унга жойида туришини айтиб, К.Мамадалиевга қараганида у ерга йиқилаётганини кўриб, кўрқиб кетганидан кетмонни ташлаб К.Мамадалиевни олдига бориб бошидан кўтаргани, сўнгра А.Мирзарахимов келиб К.Мамадалиевни уни қўлидан олганини, Т.Дехқонов эса уни етаклаб уларни олдидан олиб кетганини, сўнгра у нарироққа бориб ўтирганида, ўша ердагилар тез ёрдамга ҳабар бериш кераклигини айтиб бақаришганини, орадан бироз вақт ўтиб тез ёрдам машинаси келиб, К.Мамадалиевни олиб кетганини, аччиқ устида шу ишга қўл уриб қўйганлигини, қилган ишини нотўғри эканлигини тушуниб етганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришликни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи К.Мамадалиев суд мажлисида, 2021 йил 10 июль куни соат 18.00ларда Пахтаобод тумани Қашқар МФЙда жойлашган “Супургибеков Юсуфжон” фермер хўжалиги даласида жойлашган экинларига сув очиб юрганида маҳалладоши А.Исмоилов келиб экинларига сув очмоқчи эканлигини айтганини, шунда у А.Исмоиловга экинларини суғорётганлигини, ариқда сув озлигини, бир соатда



экинларини суғориб бўлишини, шундан сўнг экинларига сувни очаверишини айтганида, А.Исмоилов экинларини ҳозирни ўзида суғоришини айтиб, у ариққа тўсиб қўйган қопни суриб юборганида, уни бу ишидан аччиқланиб, унга сувга тегмаслигини билдириб, бир шапалоқ уриб юборганини, шу тариқа А.Исмоилов билан жанжаллашиб кетишганида, уларни ўша ерда бўлган Т.Дехқонов ва А.Мирзарахимовлар ажратиб қўйишганини, сўнгра у А.Исмоилов билан уришишдан тўхтаб ортига бурилиб кетаётган вақтида бошига қаттиқ нарса урилганини, шундан сўнг у нима бўлганлигини билмаслигини, ўзига келган вақтида шифохонада ётган эканини, сўнгра йигирма уч кун давомида шифохонада ётиб даволанганини, кейинчалик болалар А.Исмоилов билан уларни ажратиб қўйишганидан сўнг у ортига бурилиб кетаётганида А.Исмоилов орқа томондан келиб уни бошига кетмон билан уриб юборганлигини билганини, ҳозирда А.Исмоиловга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлигини, уни даволанишига кетган сарф-ҳаражатларни тўла қоплашганини, А.Исмоиловга қонуний енгиллик беришликни билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Т.Дехқонов суд мажлисида, 2021 йил 9 июль кунидан 10 июль кунига ўтар кечаси маҳалладоши А.Исмоилов билан Пахтаобод тумани Қашқар МФЙда жойлашган “Супургибеков Юсуфжон” фермер хўжалиги даласида жойлашган экин майдонларига сув очишгани, 2021 йил 10 июль кунини эрталаб А.Исмоилов чарчаганини, кечки пайт келиб яна сув очишини айтиб уйига кетганини, А.Исмоилов кетишидан аввал яна бир маҳалладоши К.Мамадалиев келиб, у ҳам экинларига сув очиб юрганини, сўнгра шу кунини соат 18.00ларда А.Исмоилов экинларига сув очиш учун далага келганида сув камайиб кетгани, у катта ариққа бориб сув очиб келганини, шу пайт А.Исмоилов ва К.Мамадалиевлар сув талашиб, ўзаро бир-бирлари билан жанжаллашиб кетишганини, сўнгра шу ерда сув очаётган А.Мирзарахимов иккиси уларни ажратиб қўйишгани ва у ортига қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида, А.Исмоилов шу ерда турган кетмонни олиб К.Мамадалиевни бошига уриб юборганида, у А.Исмоиловни қўлидаги кетмонни олиб отиб юборгани ва уни нарироққа олиб кетганини, А.Мирзарахимов эса К.Мамадалиевни бошини сувдан кўтариб, тез ёрдамга ҳабар бергани, орадан бироз вақт ўтиб тез ёрдам машинаси келиб К.Мамадалиевни шифохонага олиб кетганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи К.Мамадалиев, судланувчи А.Исмоиловнинг кўрсатувларини ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Саидовнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Исмоиловнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўла иқдор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчининг кўрсатуви ва аризаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари, суд-тиббий экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарор ва хулосаси, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш



ҳақидаги қарор ва қвитанция ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Андижон вилоят ИИБ эксперт-криминалистик бўлимининг 2021 йил 3 августдаги №932-сонли хулосасига кўра, Исмоилов Акрамжон Абдуллаевич фуқаро Мамадалиев Козимжон Комиловичга тан жароҳати етказганлик ҳолати юзасидан олинган 1 дона кетмон ҳунармандчилик усулида ишлаб чиқарилган, хўжаликда фойдаланиш учун, яъни тупроққа ишлов бериш учун мўлжалланган кетмон ҳисобланиб, совуқ қуроллар туркумига кирмаслиги, ушбу кетмон совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёлар туркумига кириши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ-550-сонли Қонунининг 3-моддаси 1-қисмининг 6-бандида, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар – касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар) деб кўрсатилган.

Суд, Эксперт-криминалистик бўлимининг хулосаси ва Қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Исмоилов ўзининг экинларини суғориш мақсадида К.Мамадалиев билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида К.Мамадалиевни совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашё, хўжалик кетмони билан бир маротаба бош қисмига қасддан уриб, унга ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказганликдан иборат ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ва оқибатларини инобатга олиш тўғрисида тушунтириш берилгани, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши



мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирилган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиниши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к) ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Исмоиловга жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчини моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришликни билдирганини, оилавий моддий шароитини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Исмоиловга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорларининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, унинг айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчини моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлигини, оилавий моддий шароитини, унинг жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, шахсини ҳисобга олган ҳолда, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб у айбли деб топилган Жиноят кодекси моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни,

ЖКнинг 50-моддаси тартибида жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашликни,

ЖПКнинг 211-моддаси тартибида, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олиниб Пахтаобод туман ИИБ хўжалик бўлимида сақланаётган бир дона “хўжалик кетмони”ни тегишли тартибда йўқ қилишликни,

жабрланувчи К.Мамадалиевни судланувчи А.Исмоиловга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлигини инобатга олишликни ва муҳокамадан чиқаришликни лозим деб топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан

## ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Исмоилов Акрамжон Абдуллаевич (Ismoilov Akramjon Abdullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан айбли деб топилсин.

А.Исмоиловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2021 йил 2 августдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

А.Исмоиловга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил, Пахтаобод туман ИИБ хўжалик бўлимида сақланаётган бир дона “хўжалик кетмони” тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жабрланувчи К.Мамадалиевни судланувчи А.Исмоиловга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, муҳокамадан чиқарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукмнинг нухасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи  
Ҳукм нухаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

имзо

Ш.Мирзакаримов

Ш.Мирзакаримов

